



ХУДУДЛАРДА РЕСУРС СОЛИҚЛАРИНИ ПРОГНОЗЛАШТИРИШНИ ТАКОМИЛАШТИРИШ ЙЎЛЛАРИ

Насимджанов Юнусжон Зоҳидович
Тошкент давлат иқтисодиёт университети

Аннотация. Мазкур мақолада Давлат бюджетига ва давлат мақсадли жамғармаларига ресурс солиқлар тушумлари прогнозини (хорижий давлатларнинг тамойиллари ва амалий тажрибасини ҳисобга олган ҳолда) тайёрлаш мақсадида ишлаб чиқилган, шунингдек давлат солиқ сиёсатини амалга ошириш доирасида давлат бюджетига ресурс солиқлар тушумининг таъминлашга ҳамда солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши, солиқлар ва йиғимларнинг тўғри ҳисоблаб чиқарилиши, тўлиқ ҳамда ўз вақтида тўланиши устидан назоратни таъминлашга қаратилган.

Калит сўзлар: ресурс солиғи, недра солиғи, бюджет, солиқ маъмурчилиги, солиқ салоҳияти, норматив таҳлил, солиқ ҳисоботи, солиқ тушумлари, солиқ имтиёзлари, солиқ ставкаси, қишлоқ хўжалиги, фермер хўжалиги, кўп тармоқли фермер хўжалиги, кластер тизими.

ПУТИ УЛУЧШЕНИЯ ПРОГНОЗИРОВАНИЯ НАЛОГОВ НА РЕСУРСЫ В РЕГИОНАХ

Насимджанов Юнусжон Зоҳидович
Ташкентский государственный экономический университет

Аннотация. Настоящая статья разработана в целях подготовки прогноза поступлений ресурсных налогов в Государственный бюджет и государственные целевые фонды (с учетом принципов и практического опыта зарубежных стран), а также обеспечения поступлениями ресурсных налогов в государственного бюджета и соблюдения налогового законодательства в рамках реализации государственной налоговой политики, направленной на обеспечение контроля за правильностью исчисления, полной и своевременной уплатой налогов и сборов.

Ключевые слова: налог на ресурсы, налог на недра, бюджет, налоговое администрирование, налоговый потенциал, нормативный анализ, налоговая отчетность, налоговые поступления, налоговые льготы, налоговая ставка, сельское хозяйство, ферма, многопрофильная ферма, кластерная система.

WAYS TO IMPROVE FORECASTING OF RESOURCE TAXES IN THE REGIONS

NasimdjanoV Yunusjon Zokhidovich
Tashkent State University of Economics

Annotation. This article has been developed in order to prepare a forecast of resource tax revenues to the State budget and state trust funds (taking into account the principles and practical experience of foreign countries), as well as ensuring the provision of resource tax revenues to the state budget and compliance with tax laws within the framework of the implementation of the state tax policy, aimed at ensuring control over the correct calculation, full and timely payment of taxes and fees.

Key words: resource tax, mineral tax, budget, tax administration, tax potential, regulatory analysis, tax reporting, tax revenue, tax benefits, tax rate, agriculture, farm, multi-sectoral farm, cluster system.

Кириш.

Ресурс солиқларини башорат қилиш ресурсларни самарали бошқариш, даромадларни режалаштириш ва сиёсатни шакллантириш учун зарурдир. Келажакдаги ресурс солиғи тушумларини тўғри прогнозлаш орқали ҳукуматлар бюджет маблағларини тақсимлаш, инвестиция режалари ва ресурслардан фойдаланиш бўйича асосли қарорлар қабул қилишлари мумкин. Бироқ, ресурслар бозорларининг динамик табиати, ўзгарувчан меъёрий базалар ва мураккаб қазиб олиш жараёнлари туфайли ресурс солиқларини прогноз қилиш қийин бўлиши мумкин. Шу сабабли, аниқлик ва ишончлилиқни ошириш учун ресурслар солиғини прогнозлашни яхшилаш йўллари ўрганиш муҳимдир. Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясининг асосий вазибаларидан бири ресурс солиқларини прогнозлашни яхшилаш, илғор хорижий компанияларни кенг жалб қилиш орқали юқори даражада қўшимча қиймат яратишдан иборат. Республикамиз солиқ тизимида табиий бойликлардан самарали фойдаланиш мақсадларида фойдаланилган ер солиғидан самарали фойдаланиш сифатида белгиланган.

Адабиётлар шарҳи.

Ўзбек олимлардан Сафаров (2006) “Хўжалик юритувчи субъектларнинг табиий ресурслардан самарали фойдаланишини солиқлар воситасида рағбатлантириш” мавзусидаги номзодлик диссертация ишида корхоналар ва ташкилотлар томонидан табиий ресурслар билан боғлиқ ишлаб чиқариш жараёнига жалб қилинган кам чиқитли инвестициялар учун рағбатлантирувчи имтиёзларни қўллаш, табиий ресурс солиқларини ихчамлаштирилган солиққа тортиш тизимида ҳам қўллашни илмий асослаган, ноқишлоқ хўжалик корхоналаридан олинаётган ер солиғини ҳисоблаб чиқиш ва ундиришда улар фойдаланаётган ернинг кадастр қийматидан ундириш механизмини жорий қилиш масаласини таклиф қилган, ер ости бойликларидан олинадиган солиқларни ҳисоблашда ҳисобга олиш усулини таклиф этган ҳамда бу солиқни ундириш механизмларини янада такомиллаштириш юзасидан илмий таклифлар ишлаб чиққан.

Қурбанов (2020) эса ўзининг диссертацион ва монографик тадқиқотлари асносида Ўзбекистонда “алкоголсиз ичимликларни ишлаб чиқарувчи корхоналарда сув ресурсларидан тежамли ва самарали фойдаланишни таъминлаш мақсадида уларга сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқни жорий этиш таклифини ишлаб чиққан, шунингдек, автотранспорт воситаларини ювишга ихтисослашган корхоналар учун сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқни белгилашни асослаган, сув ресурсларидан оқилона ва самарали фойдаланишни таъминлашда тадбиркорлик субъектларининг йиллик ялпи тушуми 1 млрд. сўмдан ошган тақдирда сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ тўловчилари таркибига киритилиши таклифи” ни ишлаб чиққан.

Иқтисодчи Кузнецов (1998) тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб қувватлаш ма-салаларини назарий жиҳатдан тизимлаштириб, жараёнли парадигма сифатида унинг бир қанча муҳим илмий иқтисодий тадқиқот қоидалари ёритиб берган. Хусусан, “Молиявий қўллаб қувватлаш” концепцияси пул маблағлари ёки моддий активларнинг комбинацияси сифатида тақ-дим этилишини эътироф этади.

Америкалик иқтисодчилар Зви Боди ва Роберт Мертонлар (2013) молиявий қўллаб-қувватлаш тизимида аниқлик киритиб, молиявий қўллаб-қувватлаш тизими сифатида маълум объектларга нисбатан қабул қилинадиган тадбирларни амалга ошириш ҳаракатлари мажмуаси ва кетма кетлиги эканлигини илгари суришган. Улар молиявий таъминот билан боғлиқ қўллаб қувватлаш тизими молиявий категория сифатида молиянинг иқтисодий моҳияти ва функцияларига асосланиши лозимлигини эътироф этишади.

Соколская (2014) қишлоқ хўжалигини молиявий қўллаб қувватлаш тизимида аниқлик киритиб, қишлоқ хўжалиги тадбиркорлик субъектларининг асосий ва айланма, хусусий ва қарз маблағлар билан таъминлаш, етарли ҳажмдаги маҳсулот ишлаб чиқаришни таъминлаш учун қулай молиявий шарт шароит яратиш тизими эканлигини таъкидлайди.

Чимитдоржиева (2011) ҳудуднинг маҳаллий бюджетининг даромадларини прогнозлаштиришни солиқ тушумларини прогнозлаштириш сифатида баҳолайди ва “солиқли даромадларни прогнозлаштиришни солиқ режалаштиришнинг тайёргарлик босқичи сифатида баҳолайди, шунингдек, маҳаллий бюджетларни ўрта муддатли прогнозлаштиришни амалга оширишда қўлланиладиган методлар сифатида детерминистик, экспертли, вақт қаторлари, математик, экстропляция кабиларни тавсия этган. Шунингдек, ҳудуднинг ўрта муддатли

бюджет даромадларини прогнозлаштиришнинг услубий асосларини кўрсатиб берган, маҳаллий бюджетнинг солиқли даромадларини прогнозлаштиришнинг классификациялаштирган, маҳаллий бюджетни прогнозлаштириш ва режалаштириш ўртасидаги боғлиқликни асослаб берган (Zyatkovskyy, 2000).

Найденова ва Швецовалар (2014) “прогнозлатириш – келажакнинг олдиндан тасвиридир, ўтмишда эса, унинг ҳолатини таҳлил қилиш асосида маълум бир ҳодисанинг динамикасидаги тенденцияларни аниқлашга қаратилган илмий билишга асосланган фаолият туридир” деган гояни илгари суради.

Тадқиқот методологияси.

Табиий ресурсларни солиққа тортиш ислохотларнинг босқичлари ва концептуал асосларини тадқиқ қилишида илмий абстракциялаш, индукция-дедукция каби назарий усулларидан ва кузатиш, статистик таҳлил, вертикал ва горизонтал таҳлил ва усуллардан кенг фойдаланилган.

Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.

Ресурс солиқларини прогнозлаш амалиётини табиий ресурсларга бой турли мамлакатларда кузатиш мумкин. Ресурс солиғини прогнозлашни биринчи бўлиб амалга оширган маълум бир мамлакатни аниқлаш қийин, чунки турли давлатлар вақт ўтиши билан ўз ёндашувлари ва методологияларини ишлаб чиқдилар. Канада, Австралия ва Норвегия каби давлатлар ресурс солиқларини бошқариш бўйича етакчи бўлиб, табиий ресурслардан тушумларни прогноз қилишда катта тажрибага эга. Бу мамлакатлар ишлаб чиқариш ҳажмлари, товар нархлари ва тартибга солиш сиёсати каби омиллар асосида ресурс солиғи тушумларини башорат қилиш учун мустақкам тизим ва асосларни яратдилар.

Ресурс солиқларини прогнозлашни такомиллаштириш ресурсларни самарали бошқариш ва даромадларни шакллантириш учун жуда муҳимдир. Ресурс солиғини башорат қилишнинг аниқлиги ва ишончлилигини оширишнинг баъзи усуллари:

Ресурс ишлаб чиқариш, нархлар, истеъмол ва бозор тенденциялари бўйича тегишли маълумотларни тўплаш учун мустақкам маълумотларни йиғиш тизимини яратиш. Келажакдаги прогнозларни билдириши мумкин бўлган нақш ва муносабатларни аниқлаш учун тарихий маълумотларни таҳлил қилиш. Ресурс солиқларига таъсир етувчи турли омилларни, масалан, глобал бозор шароитлари, ресурсларга талаб ва тақлиф динамикаси, технологик ютуқлар ва тартибга солувчи ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда мураккаб иқтисодий моделларни ишлаб чиқиш. Манфаатдор томонларни жалб қилиш: саноат тенденциялари, бозор шароитлари ва ишлаб чиқариш прогнозлари ҳақида тушунчага эга бўлиш учун саноат мутахассислари, иқтисодчилар ва ресурсларни қазиб олувчи компаниялар вакиллари билан ҳамкорлик қилинг. Прогнозлаш жараёнига манфаатдор томонларни жалб қилиш қимматли маълумотларни тақдим этиши ва прогнозларнинг аниқлигини ошириши мумкин. Янги маълумотлар ва бозор шароитидаги ўзгаришларни киритиш учун прогнозлаш методологияларини доимий равишда кўриб чиқинг ва янгиланг. Ўтган прогнозларнинг тўғрилигини мунтазам равишда баҳоланг ва келажакдаги прогнозларни яхшилаш учун тузатишлар киритиш. Солиқ органлари ва бошқа тегишли давлат органлари, масалан, табиий ресурслар ва молия учун масъул вазирликлар ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантириш, маълумотларнинг аниқ алмашинувини, мувофиқлаштиришни ва прогнозларни миллий иқтисодий мақсадларга мослаштиришни таъминлаш. Ресурс солиғини прогнозлаш билан шуғулланадиган солиқ ходимларини ўқитиш ва кўникмаларини ривожлантиришга сармоя киритиш. Иқтисодий прогнозлаш, маълумотларни таҳлил қилиш ва моделлаштириш бўйича илғор билим ва техникалар билан жиҳозланган мутахассислар жамоасини муҳим омиллардан бири ҳисобланади. Бу эса ресурс солиқларини прогнозлашни яхшилаш, сиёсатчиларни ресурсларни самарали бошқариш, даромадларни режалаштириш ва сиёсатни шакллантириш учун ишончли маълумотлар билан таъминлашга замин яратади.

Давлат бюджетига солиқ тушумларини прогнозлаштириш бир неча ҳисоблаш усуллари ёрдамида амалга оширилади:

- ҳажм ва қиймат кўрсаткичларининг прогноз қийматлари, тушумлар ҳажми, ставкалар даражалари ва бошқа кўрсаткичлардан фойдаланишга асосланган тўғридан – тўғри ҳисоблаш;

- ўртача – ўтган даврда олинган йиллик тушумлар ҳажмларини ўртача ҳисоблаш асосида амалга ошириладиган ҳисоб-китоб;

- индексация – истеъмол нархлари индекси, инфляция, дефлятор ва даромадларнинг прогноз қилинаётган турини тавсифловчи бошқа кўрсаткичлар ёрдамида ҳисоблаш;

- экстраполяция – ўтган даврларда тушумларнинг ўзгариши тенденциялари тўғрисидаги мавжуд маълумотлар асосида амалга ошириладиган ҳисоб-китоб;

методикада баён этилган бошқа усуллар.

Тушумларни (солиқ салоҳиятини) прогнозлаштиришни баҳолаш ҳисоб-китоб усуллари ҳисоблаш учун асос сифатида олинган базага қараб фарқланади.

Режа даври учун тушумларнинг прогнозларини аниқлашда амалдаги қонунчилик шартларида жорий (ўтган) йил учун тушумларнинг баҳолаш асос қилиб олинади. Режа даври учун вилоятлар, шаҳарлар ва туманларнинг солиқ салоҳиятини баҳолашни аниқлашда амалдаги қонунчилик шартларида жорий йил учун солиқ салоҳияти асос қилиб олинади.

Тушумларни (солиқ салоҳиятини) ҳисоблаш Давлат бюджетига солиқ тушумлари турлари кесимида амалга оширилади. Прогноз қилинаётган солиқ тушумларини ҳисоблаш учун солиқ статистикасининг йиғма маълумотлари (солиқ базаси, ҳисобланган суммалар (начисление), солиқ тушумлари, солиқлар ва йиғимлар бўйича қарздорлик ва бошқа кўрсаткичлар), Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий ва молия вазирлиги, Давлат статистика қўмитаси ҳамда бошқа вазирлик ва идораларнинг таҳлилий маълумотларидан фойдаланилади. Жорий молия йилида Давлат бюджетига ва давлат мақсадли жамғармаларига солиқлар ва йиғимлар тушумларни баҳолашни шакллантиришда солиқ статистикаси асосида жорий йилнинг ўтган ойлари учун даромадларнинг ҳақиқий тушуми ҳисобга олинishi мумкин.

Сув ресурсларидан фойдаланлик учун солиқнинг прогноз ҳажмини ҳисоблаш учун қуйидагилардан фойдаланилади:

- ўтган даврлар учун ҳосил бўлган 1-Н шакл ҳисоботи маълумотларига, шунингдек Давлат солиқ қўмитасининг 2020 йил 28 январдаги қарорига (рўйхат рақами 3221, 2020 йил 24 февраль) 6-иловага мувофиқ солиқ ҳисоботи шакли маълумотлари асосида солиқ бўйича солиқ базаси ва ҳақиқий тушумлар динамикаси;

- солиқ статистикаси маълумотлари асосида ер усти ва ер ости манбаларидан фойдаланиладиган сув ресурслари ҳажмлари тўғрисидаги, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлигидан сўровлар бўйича маълумотлар;

- Солиқ кодексининг 445-моддасига биноан, белгиланган лимит доирасида, ер усти ва ер ости манбаларидан олинган сув ставкаларининг белгиланган ҳар бир кубометри учун сўмда абсолют миқдорда.

Бундан ташқари, амалдаги қонунчилик доирасида сувдан фойдаланишнинг белгиланган лимитларидан ошиб кетганлиги, шунингдек, сув ресурсларидан рухсатсиз фойдаланганлиги тўғрисидаги маълумотлар ҳисобга олинади, унга кўра бундай оширишлар бўйича солиқ ставкалари белгиланган солиқ ставкаларининг беш баравари миқдорда белгиланади.

Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ тушумларининг прогноз ҳажмини ҳисоблаш сув олиш ҳажмидан (шу жумладан, белгиланган лимитлардан ошиқ), солиқ бўйича солиқ ставкаларини индексация қилишни ҳисобга олган ҳолда ҳисоб-китоб ставкаларидан ва бошқа кўрсаткичлардан бевосита фойдаланишга асосланган ҳолда тўғридан-тўғри ҳисоблаш усули билан амалга оширилади.

Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ тушумларининг прогноз ҳажми (W_{Tax}) ҳисоблашнинг қуйидаги алгоритмидан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади:

$$W_{\text{Tax}} = \sum (V_{\text{surface}} \cdot (S_{\text{surface}} \cdot I_{\text{ind}})) + (V_{\text{undegr}} \cdot (S_{\text{undegr}} \cdot I_{\text{ind}})) (+/-) F,$$

бу ерда:

W_{Tax} – сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ тушумлари прогнози;

V_{surface} – ер усти манбаларидан олинган сув ҳажми;

V_{undegr} – ер ости манбаларидан олинган сув ҳажми;

S_{surface} – ер усти манбаларидан олинган сув бўйича ставка, 1 куб. м. учун сўмда;

S_{undegr} – ер ости манбаларидан олинган сув бўйича ставка, 1 куб. м. учун сўмда;

I_{ind} – солиқ ставкасини индексация қилиш, шунингдек нормативдан ортиқча истеъмол учун солиқ ставкаси %;

F – қонунчилик ўзгаришини, ҳақиқий тушмларни ва бошқаларни ҳисобга олган ҳолда тушумларнинг тузатиш киритилган суммаси.

Юридик шахслардан олинадиган ер солиғини ҳисоб-китоб қилиш учун қуйидагилардан фойдаланилади:

- ўтган даврлар учун Давлат солиқ қўмитасининг 2020 йил 28 январдаги қарорига (рўйхат рақами 3221, 2020 йил 24 февраль) 8-иловага мувофиқ солиқ ҳисоботи шакли йиғма маълумотлари асосида бюджетга тўланиши лозим бўлган юридик шахслардан олинадиган ер солиғининг солиқ базаси ва суммалари динамикаси;

- ўтган даврлар учун Давлат солиқ қўмитасининг 2020 йил 28 январдаги қарорига (рўйхат рақами 3221, 2020 йил 24 февраль) 8-иловага мувофиқ солиқ ҳисоботи шакли йиғма маълумотлари асосида бюджетга тўланиши лозим бўлган юридик шахслардан олинадиган ер солиғининг ҳисобланган суммалари ва ҳақиқий тушумлар динамикаси;

- Солиқ кодексининг 61-боби ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан назарда тутилган солиқ ставкалари, имтиёзлар ва енгилликлар тўғрисида маълумот.

Юридик шахслардан олинадиган ер солиғи тушумларининг прогноз ҳажмини ҳисоблаш Ўзбекистон Республикаси ҳудудлари кесимида солиқ базаси кўрсаткичлари ва солиқ ставкаси ва бошқа кўрсаткичлар (ўтадиган тўловлар даражаси, йиғувчанлик даражаси ва бошқалар) ёрдамида тўғридан-тўғри ҳисоблаш усули билан амалга оширилади.

Ер солиғи бўйича тушумлар ҳажми прогнози (**ES_{yur.}**) қуйидаги формула бўйича ҳисоблаб чиқилади:

$$ES_{yur.} = S_B \times K_{ekstr.} \times S \times K_{k.u.} \times K_{yig.} (+/-) F,$$

бу ерда:

S_B – имтиёзларни ҳисобга олган ҳолда ташкилотлар ер участкалари кадастр қиймати кўринишида солиқ базаси;

K_{ekstr.} – олдинги даврга нисбатан кадастр қиймати кўринишидаги солиқ базасининг ўсиш (пасайиш) ставкаларининг ўртача арифметик қиймати сифатида ҳисобланган экстраполяция коэффициенти;

S – ҳисобот даври учун юридик шахслардан олинадиган ер солиғи бўйича ўртача ҳисоб-китоб ставкаси.

Юридик шахслардан олинадиган ер солиғининг ўртача ставкаси бюджетга тўланадиган солиқ суммасининг солиқ ҳисоботи шакллариининг йиғма маълумотларига мувофиқ солиқ базасига нисбати сифатида ҳисобланади;

K_{k.u.} – солиқ бўйича кўчиб ўтадиган тўловларнинг ҳисоб-китоб даражаси.

Кўчиб ўтадиган тўловларнинг ҳисоб-китоб даражаси ўтган даврлар учун шаклланган юридик шахслардан олинадиган ер солиғи суммасини (1-Н шаклидаги ҳисобот бўйича) бюджетга тўланадиган юридик шахслардан олинадиган ер солиғи суммасига бўлишдан олинадиган ҳосила сифатида белгиланади (Давлат солиқ қўмитасининг 2020 йил 28 январдаги қарорига (рўйхат рақами 3221, 2020 йил 24 февраль) 8-иловага мувофиқ солиқ ҳисоботи шакли йиғма маълумотлари);

K_{yig.} – олдинги даврларда шаклланган ушбу солиқ тури бўйича йиғувчанлик ставкасининг динамикасини ҳисобга олган ҳолда йиғувчанликнинг ҳисоб-китоб даражаси, солиқ қарзини тўлаш бўйича ишларни ҳисобга олади.

Йиғувчанликнинг ҳисоб-китоб даражаси келиб тушган солиқ суммасини ҳисобланган солиқ суммасига бўлишдан олинган ҳосила сифатида 1-Н шаклидаги ҳисобот маълумотларига мувофиқ белгиланади.

F – Ўзбекистон Республикаси қонунчилигидаги ўзгаришларни, ҳақиқий тушумларни, шунингдек бир марталик операцияларни (тушумлар, қайтариш ва бошқаларни) ҳисобга олган ҳолда тушумларнинг тузатиш киритилган суммалари;

Юридик шахслардан олинадиган ер солиғи тушумларининг прогноз ҳажмини ҳисоблашда, Солиқ кодексининг 428-моддаси доирасида белгиланган имтиёзлар, озод қилишлар ва преференциялар ҳамда бошқа имтиёзлар ва преференцияларни бериш муносабати билан йўқотилган даромадлар ҳисобга олинади.

Йўқотилган даромадлар ҳажми солиқ тушумларининг прогноз ҳажмини ҳисоблашнинг белгиланган алгоритми доирасида аниқланади.

Режа даврга ер солиғи бўйича солиқ салоҳиятини баҳолаш қуйидаги формула бўйича амалга оширилади:

$$ES_{\text{yur.}} = ES * (100\% + I_p),$$

бу ерда:

$ES_{\text{yur.}}$ - режа даврга ер солиғи бўйича солиқ салоҳиятини баҳолаш;

ES - амалдаги қонунчилик шартларида жорий йил бўйича ер солиғининг солиқ салоҳияти;

I_p - инфляциянинг прогноз даражаси, %.

Жисмоний шахслардан олинадиган ер солиғини ҳисоб-китоб қилиш учун қуйидагилардан фойдаланилади:

- Давлат солиқ қўмитасининг статистик солиқ ҳисоботларида келтирилган маълумотларга кўра, солиқ базаси ҳамда ер участкалари учун бюджетга тўланадиган, жисмоний шахслардан олинадиган ер солиғи ва ижара тўлови суммалари динамикаси;

- ўтган даврлар учун 1-Н шакл бўйича ҳисоботга мувофиқ жисмоний шахслардан олинадиган ер солиғи бўйича ҳисобланган суммалар ва ҳақиқий тушумлар динамикаси;

Ер солиғининг 62-бобида ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда назарда тутилган солиқ ставкалари, имтиёзлар ва преференциялар.

Жисмоний шахслардан олинадиган ер солиғи тушумларининг прогноз ҳажмини ҳисоблаш Ўзбекистон Республикаси субъектлари кесимида солиқ базаси ва солиқ ставкаси кўрсаткичлари ҳамда бошқа кўрсаткичлар (ўтадиган тўловлар даражаси, йиғувчанлик даражаси ва бошқалар) ёрдамида тўғридан-тўғри ҳисоблаш усули билан амалга оширилади.

Жисмоний шахслардан олинадиган ер солиғи тушумларини прогнозлаштириш солиқ органлари томонидан Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига мувофиқ солиқ хабарномаларини юбориш ва солиқ тўлаш учун белгиланган муддатлар ҳисобга олинган ҳолда амалга оширилади.

Ер солиғи бўйича тушумларнинг прогноз ҳажми ($ES_{j.sh.}$) қуйидаги формула бўйича ҳисоблаб чиқилади:

$$ES_{j.sh.} = B \times K_{ekstr.} \times S \times K_{yig.} (+/-) F,$$

бу ерда:

B – жисмоний шахсларнинг ер участкалари кадастр қиймати қўрунишида солиқ базаси;

$K_{ekstr.}$ – олдинги даврга нисбатан кадастр қиймати қўрунишидаги солиқ базасининг ўсиш (пасайиш) суръатларининг ўртача арифметик қиймати сифатида ҳисобланган экстраполяция коэффициенти;

S - ҳисобот даври учун жисмоний шахслардан олинадиган ер солиғи бўйича ўртача ҳисоб-китоб ставкаси.

Жисмоний шахслардан олинадиган ер солиғининг ўртача ставкаси бюджетга тўланадиган солиқ суммасининг солиқ базасига нисбати сифатида ҳисобланади;

$K_{yig.}$ – олдинги даврларда шакланган ушбу солиқ тури бўйича йиғувчанлик кўрсаткичи динамикасини ҳисобга олган ҳолда йиғувчанликнинг ҳисоб-китоб даражаси, солиқ қарзларини қоплаш бўйича ишларни ҳисобга олади.

Йиғувчанликнинг ҳисоб-китоб даражаси келиб тушган солиқ суммасини ҳисобланган солиқ суммасига бўлишдан олинган ҳосила сифатида 1-Н шаклидаги ҳисобот маълумотларига мувофиқ белгиланади.

F – Ўзбекистон Республикаси қонунчилигидаги ўзгаришларни, ҳақиқий тушумларни, шунингдек бир марталик операцияларни (тушумлар, қайтаришлар ва ҳ.к.) ҳисобга олган ҳолда тушумларнинг тузатиш киритилган суммаси,

Жисмоний шахслардан олинадиган ер солиғи тушумларининг прогноз ҳажмини ҳисоблашда Солиқ кодексининг 62-боби ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган имтиёзлар, озод қилишлар ва преференциялар берилиши муносабати билан йўқотилган даромадлар ҳисобга олинади.

Америка қўшма штатлар ресурс солиқларини прогнозлашда, хусусан, нефт, газ ва минерал саноатга нисбатан бой тажрибага эга. Ресурс солиқларини прогноз қилиш бўйича АҚШ тажрибасининг баъзи асосий жиҳатлари қуйдагича:

АҚШ ҳукумати ресурсларни ишлаб чиқариш, захиралар, бозор тенденциялари ва нархлар ҳаракати ҳақида кенг қамровли маълумотларни тўплайди. Бунга саноат ҳисоботлари, давлат идоралари ва мустақил тадқиқот ташкилотлари маълумотлари киради. Маълумотлар мунтазам равишда янгиланади ва аниқ прогноз қилиш учун мустақкам асос яратди. Ресурс солиғи даромадларини прогноз қилиш учун илғор моделлаштириш усулларидадан фойдаланади. Ушбу моделлар ишлаб чиқариш ҳажмлари, бозор талаби, товар нархлари ва тартибга солувчи ўзгаришлар каби турли омилларни ҳисобга олади. Ишончли прогнозларни яратиш учун улар кўпинча мураккаб эконометрик моделлар ва статистик таҳлиллардан фойдаланадилар. АҚШ ҳукумати соҳа мутахассислари, жумладан, геологлар, иқтисодчилар ва саноат уюшмалари билан яқиндан ҳамкорлик қилади. Бу ҳамкорлик ахборот, тушунча ва тажриба алмашиш имконини беради, бу еса аниқроқ башорат қилишга ёрдам беради.

Ҳукумат, шунингдек, прогнозлаш жараёнининг шаффоф ва инклюзивлигини таъминлаш учун манфаатдор томонлардан фикр-мулоҳазаларни излайди ва жамоатчилик билан маслаҳатлашувларда қатнашади. АҚШ аниқликни ошириш учун прогнозлаш усуллари доимий равишда кўриб чиқади ва баҳолайди. Бу ўтган прогнозлар самарадорлигини таҳлил қилиш, яхшилаш учун йўналишларни аниқлаш ва керак бўлганда янги маълумотлар манбалари ва усуллари киритишни ўз ичига олади. Мақсад - моделларни такомиллаштириш ва уларни ўзгарувчан бозор шароитларига мослаштириш. АҚШда ресурс солиғи прогнозлари бюджетлаштириш ва режалаштириш жараёнлари билан чамбарчас боғланган. Прогнозлар даромадларни прогноз қилиш учун асос бўлиб хизмат қилади ва молиявий сиёсат бўйича қарорлар қабул қилади. Ушбу мувофиқлаштириш прогнозларнинг умумий ҳукумат устуворликлари ва мақсадларига мос келишини таъминлайди.

Баъзи ҳолларда АҚШ ҳукумати ресурслар солиғи прогнозларини мустақил текширишга интилади. Бу прогнозларнинг тўғрилиги ва ишончилигини баҳолаш учун ташқи маслаҳатчилар ёки тадқиқот институтларини жалб қилишни ўз ичига олади. Мустақил текшириш прогноз натижаларига кўшимча ишонч даражасини оширади. АҚШнинг ресурс солиқларини прогнозлаш тажрибаси маълумотларга асосланган таҳлил, илғор моделлаштириш усуллари, манфаатдор томонлар ҳамкорлиги ва доимий такомиллаштиришга содиқлигини кўрсатади. Ушбу амалиётлар аниқроқ ва ишончли прогнозларга ёрдам беради, бу еса ўз навбатида ресурсларни самарали солиқ режалаштириш ва даромадларни бошқаришни қўллаб-қувватлайди.

Япония давлати ресурс солиқларини прогнозлашда, хусусан, турли хил табиий ресурслар ва энергия манбаларига нисбатан катта тажрибага эга. Япония тажрибасининг баъзи асосий жиҳатлари қуйдагича:

Япония ҳукумати ресурсларни ишлаб чиқариш, захиралар, истеъмол шакллари ва бозор динамикаси ҳақида кенг қамровли маълумотларни тўплайди. Бунга давлат идоралари, саноат бирлашмалари ва тадқиқот ташкилотларининг маълумотлари киради. Ресурс солиғини башорат қилиш учун асос бўлган тенденциялар, талаб-таклиф динамикаси ва нархлар ҳаракати тушуниш учун маълумотлар таҳлил қилинади. Япония ҳукумати саноат манфаатдор томонлари, жумладан, ресурсларни қазиб олувчи компаниялар, энергия ишлаб чиқарувчилар ва саноат бирлашмалари билан яқиндан ҳамкорлик қилади. Ушбу ҳамкорлик ахборот, тушунча ва техник тажриба алмашиш имконини беради, бу еса ресурслар солиғи прогнозларининг тўғрилигини оширади. Ишлаб чиқариш қувватларини, технологик ютуқларни ва бозор талабларини тушунишда саноат ҳиссаси айниқса қимматлидир. Япония ресурслар солиғини башорат қилишни яхшилаш учун технологик ютуқлардан фойдаланади. Масалан, катта ҳажмдаги маълумотларни таҳлил қилиш ва нақш ва корреляцияларни аниқлаш учун илғор маълумотлар таҳлили, машинани ўрганиш ва сунъий интеллект усуллари қўлланилади. Бу ресурсларни ишлаб чиқариш, истеъмол қилиш ва бозор тенденцияларини аниқроқ башорат қилиш имконини беради. Японияда ресурс солиғини прогнозлаш кўпинча узоқ муддатли режалаштириш ва энергия сиёсати билан мос келади. Ҳукумат прогнозларни ишлаб чиқишда энергия хавфсизлиги, барқарорлик ва ресурслар самарадорлиги каби омилларни ҳисобга олади. Бу прогнозларнинг кенгроқ миллий мақсадларга мос келишини таъминлайди ва ресурсларни самарали бошқаришга ҳисса қўшади. Ресурс бозорларидаги ноаниқликлар ва потенциал узилишларни ҳисобга олиш учун хавфларни баҳолаш ва сценарий режалаштиришни амалга оширади. Бунга геосиёсий омилларни, таъминот занжири заифликларини ва ресурслар мавжудлиги ва нархларга таъсир кўрсатиши мумкин бўлган технологик ўзгаришларни таҳлил

қилиш киради. Турли сценарийларни кўриб чиқиш орқали ҳукумат янада ишончли ва барқарор прогнозларни ишлаб чиқиши мумкин. Япония ҳукумати вақти-вақти билан ресурслар солиғини башорат қилиш методологиясини кўриб чиқади ва такомиллаштиради. Бу ўтган прогнозларнинг тўғрилигини баҳолаш, яхшилаш учун йўналишларни аниқлаш ва янги маълумотлар манбалари ва таҳлилий воситаларни ўз ичига олади. Доимий такомиллаштириш прогнозларнинг вақт ўтиши билан долзарб ва ишончли бўлишини таъминлайди. Ресурс солиқларини башорат қилиш бўйича Япония тажрибаси маълумотларга асосланган ва ҳамкорликка асосланган ёндашувни, узоқ муддатли режалаштириш билан интеграцияни ва илғор технологиялардан фойдаланишни намойиш этади. Ушбу амалиётлар ресурслар солиғи бўйича аниқроқ ва маълумотли прогнозларга ёрдам беради, бу еса ресурсларни самарали бошқариш ва даромадларни режалаштириш имконини беради.

Хулоса ва таклиф.

Мавзу бўйича ўрганишлар асосида қуйидаги хулоса ва таклифлар шакллантирилди:

Ресурс ишлаб чиқариш, бозор тенденциялари ва нархларнинг ўзгариши бўйича аниқ ва долзарб маълумотларни тўплаш учун кенг қамровли тизимни ишлаб чиқиш. Ушбу маълумотлар нақшларни аниқлаш ва келажакдаги тенденцияларни прогноз қилиш учун илғор таҳлилий воситалар ва усуллардан фойдаланган ҳолда таҳлил қилиниши керак. Солиқ органлари ва соҳа мутахассислари, жумладан геологлар, иқтисодчилар ва саноат бирлашмалари ўртасида ҳамкорлик ва билим алмашишни ривожлантириш. Ушбу ҳамкорлик ресурсларни қидириш, ишлаб чиқариш ва бозор динамикаси бўйича қимматли маълумотларни олишга ёрдам беради, бу еса солиқ тушумларини аниқроқ прогноз қилишга ёрдам беради. Ресурс солиғи тушумларига таъсир қилувчи турли омилларни, масалан, ишлаб чиқариш ҳажмлари, жаҳон товар нархлари, валюта курслари ва тартибга солиш ўзгаришларини ҳисобга оладиган илғор прогнозлаш моделларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишга сармоя киритинг. Ушбу моделлар аниқроқ ва ишончли прогнозларни яратиш учун статистик усуллардан, эконометрик моделлардан ва сценарий таҳлилидан фойдаланиши мумкин. Ресурс солиқлари учун қўлланиладиган прогнозлаш усулларини мунтазам кўриб чиқиш ва баҳолаш жараёнини ўрнатиш. Бунга ўтган прогнозларнинг тўғрилигини баҳолаш, яхшилаш керак бўлган йўналишларни аниқлаш ва улар мавжуд бўлганда янги маълумотлар манбалари ва усулларини киритиш киради. Ресурс солиқлари прогнозларини доимий мониторинг ва баҳолаш тизимини жорий этиш. Ҳақиқий даромад натижаларига нисбатан прогнозларнинг тўғрилигини мунтазам равишда баҳолаш ва керак бўлганда прогнозлаш усуллари ва моделларини ўзгартириб бориш. Ушбу таклифлар ресурс солиқларини прогнозлашни сезиларли даражада яхшилаш, сиёсатчилар ва солиқ органларига даромадларни янада ишончли ва реал прогнозлар билан таъминлаш мумкин. Бу ресурс солиқларини режалаштириш, бюджетлаштириш ва умумий фискал бошқарувни яхшилашга ёрдам беради.

Адабиётлар/Литература/Referece:

- Barulin, S.V. (2010). *Finance*. – Moscow, KNORUS, 640 p.
- Bodi, Zv., Merton R.K. (2013). *Finance*. – Moscow, Publishing House “Williams”, 2013. Bolshakov, S.V. (2006). *Finance companies. Theory and practice*. – Moscow: Book World, 2006. – 617 p.
- Kuznetsov, S.A. (1998). *Great Dictionary of the Russian language*. – St. Petersburg, “Norint”
- Sokolska, T.V. (2014). *Financial support for agriculture. Economy and management of agribusiness*, issue 1, p. 140-146.
- Zyatkovskyy, I.V. (2000). *The financial support of business – Ternopol, Economic thought*, 215 p.
- Қурбанов Д.Р. (2020) *Ўзбекистон республикасида сув ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини оширишнинг молиявий механизмларини такомиллаштириш. И.ф.д (DSc)... дис... автореферати*. – Т.: -38 б.
- Найденова Т.А., Швецова И.Н. (2014) *Прогнозирование и планирование налоговых доходов местного бюджета (на материалах мо го «Сыктывкар»)*. Журнал. Актуальные Проблемы Гуманитарных И Естественных Наук. Издательство: Научно-информационный издательский центр и редакция журнала “Актуальные проблемы гуманитарных и естественных наук” (Москва) ISSN: 2073-0071. . Стр: 187-197.

Нормурзаев У.Х. *Иқтисодиётни тартибга солишда солиқ имтиёзларининг аҳамияти ва бюджет даромадларини шакллантиришдаги роли//Экономика и финансы (Узбекистан). 2014.*

№4. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/i-tisodiyotni-tartibga-solishda-soli-imtiyozlarininig-a-amiyati-va-byudzhed-daromadlarini-shakllantirishdagi-rol>

Нормурзаев, У. (2022). Хукуматимиз томонидан солиқ маъмурчилиги бўйича 2018-2022 йилларда амалга оширилган солиқ ислохотлари натижалари. Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар, 10(5), 325-330.

Нормурзаев, У. (2023). Солиқ имтиёзлари бериш тартибини такомиллаштириш масалалари. Economics and education, 24(1), 334-339.

Нормурзаев, У. (2023). Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси доирасида молия бозорининг долзарб муаммолари тадбиркорликни тенг рақобат шароитларини яратиш ҳамда яширин иқтисодиёт улушини қисқартириш йўлари. Приоритетные направления, современные тенденции и перспективы развития финансового рынка, 88-89.

Нормурзаев, У. Х. (2021). 2021 йилдаги солиқ маъмурчилиги ҳамда солиқ кодексига киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар юзасидан. Интернаука, (6-2), 99-100.

Сафаров Ғ.А. (2006) Хўжалик юритувчи субъектларнинг табиий ресурслардан самарали фойдаланишини солиқлар воситасида рағбатлантириш. Иқтисодиёт фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертацияси автореферати. –Т.: Академия. 26 б.

Чимитдоржиева Екатерина Цыренжабовна (2011). Среднесрочное прогнозирование налоговых доходов консолидированного бюджета региона. Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата экономических наук. Иркутск. С.3-24.